

ТУРКИСТОНДА МЕЪМОРЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИ)

Жўрабоев Н.Ю.,

ТДТрУ доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада чор Россиясининг мустамлакачилиги даврида (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари) Туркистон меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи ёритилган бўлиб, унда мазкур соҳалардаги анъанавийлик билан бир қаторда ўлкага кириб келган европача меъморий кўринишлар ҳамда тасвирий санъатнинг ўзаро таъсири масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: чор Россияси, мустамлакачилик, Туркистон, меъморчилик, тасвирий санъат, Хоразм меъморчилиги, Фарғона меъморчилиги, рангтасвир, батализм, абстаркционизм.

ABSTRACT

The article covers the history of Turkestan architecture and fine art during the colonial period of tsarist Russia (second half of the 19th century and the beginning of the 20th century), in which along with the traditionalism in these areas, the European architectural views that entered the country and the interaction of the fine arts were analyzed.

Key words: tsarist Russia, colonialism, Turkestan, architecture, visual arts, Khorezm architecture, Fergana architecture, painting, batalism, abstractionism.

КИРИШ

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон меъморчилиги қадимий анъаналарни сақлаган ҳолда замон руҳи билан бойиб борди. Сарой мажмуалари, мадраса, масжиди жоме, хаммом, касалхона ва шунга ўхшаш давлат ҳамда жамоат бинолари барпо этилди. Соҳадан Облоқул ва Иброҳим Ҳафизовлар, Мўминжон Солиҳов, уста Ширин Муродов ва бошқа кўплаб меъморлар етишиб чиқди.

Бухорода XX аср бошларида бунёд этилган Ситораи Моҳи Хоса курилишида Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Ундаги пардоз ишларини уста Ширин Муродов бошлиқ бир гуруҳ уста ва ганчкорлар амалга оширган.

Хоразм меъморчилигида анъанавий услуб устуворлик қилади. Масалан, Хивада бунёд этилган Пахлавон Маҳмуд қабри устига курилган мақбарада

нақшинкор парчинлардан моҳирона фойдаланилган. XX асрнинг бошларида бунёд этилган Ислохўжа минораси Хива доврўғини оламга таратиб, виқор билан турибди. XIX охири - XX аср бошларида Хива хонлигида бунёд этилган маърифат масканларидан бири - Қози Калон мадрасаси бўлиб, унга ҳуқуқ ишлари билимдони шайхулислом Салимоҳун Қози ҳомийлик қилган.

Хива меъморчилик мактабининг эътиборли томони шундаки, унда пештоқлар, шиплар, буржлар ўта гўзаллик билан ишланган, бинолар ёғоч ўймакорлиги ва хаттотлик санъати билан уйғунлаштирилган. Хоразм меъморчилик мактабидан Одина Муҳаммад Мурод, Нурмуҳаммад, Абдужжабор, Сўфи Муҳаммад Ниёз, Абдулла уста, уста Ўроз ва бошқалар етишиб чиққан.

Фарғона водийсида ҳам меъморчилик ўзига хос услубга эга бўлган. XIX аср охирлари Андижонда бунё этилган Жоме масжиди бунга мисол бўла олади. Фарғона меъморчилик мактабидан Муҳаммад Мусо, Исахон ва Юсуфали Мусаевлар, Муҳаммад Аминхўжа ва бошқалар етишиб чиққан. Ана ўша даврларда Тошкент-Фарғона меъморчилигида “Қашқарча” деб номланган ёзги-қишки бинолар кенг расм бўлган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мазкур давр меъморчилигида яна бир услуб – европача кўринишдаги бинокорлик вужудга келган. Бу Туркистонни чор Россияси томонидан босиб олиниши билан боғлиқ бўлган. Энди бинолар тўғри тўртбурчак кўринишда бўлиб, ғишт, фанер, тунука, ойна каби қурилиш ашёларидан фойдаланила бошланган.

Анънавий ва европача услуб уйғунлиги Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи – Ситораи Моҳи Хоса, Хива хони Феруз даврида бунёд этилган Нуриллабой саройида акс этган.

Европача бинокорлик кўпроқ Тошкентнинг янги шаҳар қисмида яққол кўзга ташланади. Булар – казармалар, қамоқхоналар, касалхоналар, вокзаллар, заводлар, губернаторларнинг шахсий уй-жойлари каби маъмурий, жамоатчилик ва шахсий бинолар қурилишида ўз ифодасини топган. Бу ердаги европача меъморчиликда кўпроқ классик услуб устуворлик қилади. Ҳозирги эски ТошМИ яқинидаги черков биноси готик услубда бунёд этилган бўлса, Миробод бозори яқинидаги рус проваслав черкови биносида борокко услуби қўлланилган.

Мустамлакачилик шароитида юз берган яна бир жиҳатга эътибор қаратилса, миллий меъморий обидаларга беписанд қараш ҳукмрон бўлиб, улар

таъмирга мухтож бўлганлигини кўришимиз мумкин. Аммо бу ишларга мустамлакачилар эътибор бермаганлар. Масалан, генерал-губернаторнинг адъютанти уларни сақлаб қолиш ҳақидаги фикрларга қарши **“Энг яхшиси, тўрт артиллерия взводини қўйиб, бу барча эски лаш-лушларни тўпга тутиш керак”**, деган. Аксинча, Туркистонда бўлган швед меъмори Мартин Россия империя ҳукумати бошлиғи граф Виттега мурожаат қилиб, Самарқанддаги улўвор обидаларни Осиё учун эмас, балки умумжаҳон манфаати учун ҳам вайрон бўлишидан сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўришни илтимос қилган эди.

Шунга қарамай, мустамлакачилик шароитида бўлса ҳам, ҳарқалай, меъморчиликда янги анъаналар пайдо бўлди ва бу кейинги даврларда янада ривож топди.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси тасвирий санъати тарихида қаламтасвир ва рангтасвир етакчи ўрин эгаллайди. Бу санъат турларида, асосан, рус рассомлик мактабининг вакиллари ҳамда рус салтанатининг турли ҳудудларидан ўлкага келган ижодкорлар етакчи ўрин эгаллаганлар.

Ўрта Осиё миниатюра мактаби ва китобатчилик соҳасида қўлланилган тасвирларни инобатга олмаганда, бу давр тасвирий санъатида маҳаллий ижодкорларнинг фаоллиги унчалик кўзга ташланмайди. Шунга қарамай, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистонда газета, журнал ва босмаҳоналарнинг пайдо бўлиши, китобат ишининг ривожини, энг аввало, графика санъатига бўлган эҳтиёжни юзага келтирди.

Шунга қарамай, маҳаллий мусаввирлар ҳақида гап кетганда Аҳмад Донишни эслаш ўринлидир. У хаттот бўлиш билан бирга моҳир рассом ҳам бўлган. Унинг қаламига мансуб **“Шоир ва мусаввир”** тасвири А.Бедилнинг ўша йилларда нашр этилган **“Чор унсур”** асарига махсус ишланганлиги маълум. Шу асар ичида шаҳар миршабининг сатирик кўриниши ҳам ўрин олган. А.Донишнинг шогирди Абдулхолиқ Махмуд эса хашаротлар ва гуллар тасвирини моҳирона чизган.

Тошкентлик рассом Сирожиддин Махсум Сиддиқий томонидан 1915 йили нашр этилган **“Гўрўғли”**, шунингдек, Саъдийнинг **“Гулистон”** дostonларига ишланган тасвирлар ҳам кўпчиликка маълум. Ана шу йилларда кўқонлик Ҳожи Носир Муҳаммад Шокирбой ўғли ҳам миниатюра жанрида самарали ижод этган.

Маълумотларга кўра, 1886 йили ташкил этилган кўрғазмада ҳаваскор ҳайкалтарош Тўхта Сидиқ Хўжаевнинг от ва кийик ҳайкали намойиш этилган.

Мазкур ҳайкаллар оддий пичоқ ёрдамида ишланганлиги томошабинларни лол қолдирган эди.

Туркистон мавзусида қаламтасвир ва рангтасвир ижод намуналарини яратишда истеъдоди, эътиқоди турлича бўлган турли миллат вакиллари иштирок этганлар. Зеро, уларнинг асарлари Туркистон тарихини тасаввур этишда қимматли манба ҳисобланади. Чунки, уларда Ўрта Осиёнинг маиший ҳаёти, табиати, одамларнинг турмуш тарзи, кийим-кечаги, этник қиёфалари ўз аксини топган.

Буларнинг орасида рус шухратини кўкларга кўтарган, ашаддий шовинист В.Верещагин алоҳида ажралиб туради. У 1865 йили ҳарбийлар билан бирга Туркистонга кириб келган. У қишлоқ ва шаҳарларни вайрон қилишди қатнашган, кундаликларида “бир маҳаллий кимсани минорадан улоқтирганман, ўлим талвасасида жон бераётган дордаги мурданинг тасвирини ишлаганман”, деб мақтаниб ёзган.

У “Туркистон” деб аталган асарлар туркумини яратган. Туркум мазмунан 4 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга рассомнинг этнографик характердаги портрет ва композициялари кирган. Иккинчи гуруҳга эса маиший мавзудаги “Зиндонда”, “Кўкнорихўрлар”, “Қул савдоси”, “Болани сотиш”, “Тиланчи дарвишлар” ва шу каби асарлари киритилган бўлиб, уларда мустамлака шароитидаги халқнинг оғир қисмати, атайин, аянчли тарзда кўрсатилган.

Туркумнинг 3 ва 4 гуруҳи уруш мавзусига бағишланган. Бу асарларида рассом урушнинг нақадар шафқатсиз эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, рассом бу мавзуга улуғ рус шовинизми, улуғ рус салтанати мафкураси нуқтаи назаридан ёндошган. Масалан, рус босқинчилари ғалабасини тантанавор руҳда акс эттирса, маҳаллий ҳимоячиларни ваҳший ҳолда тасвирлайди. Бинобарин, асарларининг номланиши ҳам шунга монанд – “Ваҳшийлар”, “Тантана қилишмоқда”, “Ўлжани кўрсатишмоқда” ва бошқалар. Мосол тариқасида рассомнинг “Муваффақиятсизликдан сўнг” (“После неудачи”) картинасига назар ташласак, унда Бухородаги қалъа девори олдида кечган жангда шаҳид бўлган мусулмонлар ўлиги қалаштириб қўйилган. Ёш бир рус аскарлари юртни ҳимоя қилишга ўринган бухролоқларнинг мурдалари олдида бамайлихотир трубкасини чекмоқда. Айниқса, унинг “Жанг тантанаси” асари машҳур. Унда одам бош суягидан қад кўтарган минора ва унинг атрофида қора қарғалар учиб юришида фожиа ва даҳшатли уруш тантанаси ўз аксини топган. Мусаввирнинг мазкур туркумга кирган асарлари асосан тасвирий санъатнинг батализм услубида ишланган.

Украин рассоми Сергей Светославский (1857-1931) Самарқандга атаб кўпгина расмлар чизган. Унинг “Самарқанд оқшоми”, “Самарқанд **бозори**”, “Ўрта Осиё манзараси” каби асарлари маълум. Айниқса, унинг 1910 йили ишланган “Бибиҳоним олдидаги бозор” асари ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради.

Грузин рассоми Георгий Габашивили XIX аср охирларида Туркистонда бўлиб, Самарқанд ва Бухоро меъморий ёдгорликларини акс эттирган асарлар яратган.

Яна бир рассом Сергей Юдин (1858-1933) манзара жанрида катта полотнолар яратиб, тошкентлик санъат мухлислари орасида шухрат қозонган эди. У 1889 йилдан 1923 йилгача Туркистон ўлкаси бадиий мактабида устозлик қилган. Унинг “Тоғдаги чойхона” асарида воқелик ғоят ҳаётий акс эттирилган.

Самарқандда туғилиб ўсган Леонид Бурэ (1887-1943) Москва Бадиий академиясини битириб қайтгач, Самарқандда яшаб ижод этди. Унинг асарлари асосан мойбўёқда ишланган. Хусусан, унинг профессионал маҳорат билан чизилган “Эски шаҳар”, “Регистон” ва бошқа асарлари Ўзбекистон музейларидан жой олган.

Фарғоналик рассом Александр Волков (1886-1957) XX аср бошларида санъат оламига кириб келган. У Петербург Бадиий академиясида таҳсил олгач, Туркистонга қайтиб, ўз фаолиятини давом эттирган. Унинг тасвирий санъатнинг абстаркционизм йўналишида чизилган “Анори қизил чойхона” асари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

Шунингдек, тасвирий санъат соҳасида мустамлака шароитида яна бир қатор рассомлар – П.М.Никифоров, С.Дудин, П.Кузнецов, А.Зоммер, И.Казаков ва бошқалар фаолият юритганлар. Айниқса, XIX аср охирларида Туркистонга келган рус рассоми Д.В.Вележев (1841-1897) нинг Тошкент мавзусида ишлаган “Баланд масжид”, “Эски шаҳар кўчаси”, “Эски Тошкент кўчаси”, “Эски Тошкентдаги ховли”, М.М.Микошиннинг қалам ва акварелда ишлаган суратлари ўзининг композицион ечими, нозик товланиши ҳамда лавҳаларнинг табиийлиги билан ажралиб турган.

Шу тариқа, истиқболда Туркистон тасвирий санъатида янги – замонавий услубларга кенг йўл ҳозирланди.

Мавзуга қисқача хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XIX асрнинг иккинчи ярими ва XX аср бошларида – мавжуд мустамлакачилик шароитида - Туркистонда маданий ҳаёт батамом тўхтаб қолмади, балки ўз тарихий ва анъанавий ўзанида баҳоли қудрат ривожланиб борди. Зеро, босқинчилар

халқимизнинг эрк ва озодлик, илм-фан, санъат ва маданиятга бўлган азалий интилишлари ҳамда иродасини бука олмади.

REFERENCES

1. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида(Ўзбекистоннинг янги тарихи.Биринчи китоб). - “Шарқ”нашриёти, Тошкент, 2000 й.
2. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати:тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. - “Шарқ” нашриёти,Тошкент, 2000 й.
3. Мўминов Т. Туркистон икки аср гирдобиди. - Тошкент, 2013.
4. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми –XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. - Тошкент, 2004 й.
5. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. 2 жилдлик. Биринчи китоб. – Т., “Санъат” нашриёти, 2001 й.
6. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
7. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
8. Журабоев Носир Юсупович, & Рахимова Машхура Иномжановна (2021). ВКЛАД АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ В РАЗВИТИЕ ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ. *Проблемы науки*, (2 (61)), 14-15.
9. Журабоев, Носир Юсупович, & Ҳасанов, Миршод Нўъмонович (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҶА РИВОЖИ: ИСЛОҶОТ ВА ИСТИҚБОЛ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1274-1283.
10. Жўрабоев, Н. Ю. (2022). ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШТИРОКИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 151-156.
11. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
12. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Ҳ., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҶИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.

13. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.
14. М.Н.Ҳасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>
15. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sultonov, S., & Kushakov, F. (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 582-586.
16. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
17. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Ҳасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.
18. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Ҳасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
19. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhokim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
20. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Sultanov, S., & Khasanov, M. (2022). METHODS AND MEANS OF FORMATION OF SPIRITUAL MORAL CONSCIOUSNESS IN STUDENTS AND YOUTH OF UZBEKISTAN. *World scientific research journal*, 10(1), 257-262.
21. Абдурашидова, Н. А., & Ҳасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 1226-1235.
22. Бобошев, З. Н., Ҳасанов, М. Н., & Нуруллаев, Э. А. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ СИФАТИДА.